



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 22 yil « 12 » oktabr

№ 587

Toshkent sh.

2022–2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республика аҳолисини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозорига маҳсулот етказиб берилишини тизимли мониторинг қилиш ҳамда назоратни йўлга қўйиш ва нархларнинг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2022–2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида республика аҳолиси ва ижтимоий соҳа ташкилотларини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган:

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида республика аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан таъминлашнинг прогноз параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

республика минтақалари бўйича 2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан таъминлашда аниқланган тақчилликни қоплаш манбалари **1а-иловага** мувофиқ;

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида ички истеъмол бозори учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва маблағларга бўлган талаб-эҳтиёжнинг прогноз ҳажмлари **2-иловага** мувофиқ;

2022–2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида ички истеъмол бозори учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жалб этган тайёрлов ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва маблағларга бўлган талаб-эҳтиёжнинг прогноз ҳажмлари **2а-иловага** мувофиқ;

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида ижтимоий соҳа муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва ушбу мақсадларга бюджет маблағлари талаб-эҳтиёжларининг прогноз ҳажмлари **3-иловага** мувофиқ;

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида Мактабгача таълими вазирлиги муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва ушбу мақсадларга бюджет маблағлари талаб-эҳтиёжларининг прогноз ҳажмлари **3а-иловага** мувофиқ;

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида Халқ таълими вазирлиги муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва ушбу мақсадларга бюджет маблағлари талаб-эҳтиёжларининг прогноз ҳажмлари **3б-иловага** мувофиқ;

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва ушбу мақсадларга бюджет маблағлари талаб-эҳтиёжларининг прогноз ҳажмлари **3в-иловага** мувофиқ;

2022–2023 йилларнинг қиш ва баҳор мавсумида республиканинг бориш қийин бўлган тоғли ҳудудлари ва олис чўл зоналарида яшайдиган аҳоли истеъмоли учун олдиндан етказиб бериладиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг прогноз ҳажмлари **4-иловага** мувофиқ;

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун ғамлаш ишларига жалб этилган тайёрлов корхоналарининг омборхона ва совутиш сиғимлари билан таъминланганлиги параметрлари **5-иловага** мувофиқ;

Бошқа минтақалар ҳудудларида ишлатилмаётган сиғимларни жалб этиш ҳисобига 2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш учун сақлаш қувватлари тақчиллигини минтақаларда таъминлаш параметрлари **5а-иловага** мувофиқ;

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумига ғамлаб қўйилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ички истеъмол бозорида сотишнинг тармоқ жадваллари **6, 6а, 6б, 6в** ва **6г-иловаларига** мувофиқ;

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш муддатлари **7-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ҳафта** муддатда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захирага жамғаришнинг **7-иловага** мувофиқ **режа-жадвалини** тасдиқласин ҳамда ижросини таъминласин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” давлат муассасаси уч ой муддатда Электрон агросаноат бозори портали орқали қуйидагиларни ташкил этсин:

а) Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорти бўйича тузилган шартномалар доирасида келгуси уч ойда етказиб берилиши кутилаётган маҳсулотлар турлари, миқдори ҳамда етиб келиш муддатларини ўз ичига олувчи маълумотлар базасини шакллантириш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда:

қиш-баҳор мавсуми учун захирага жамғариладиган асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳудудлар ва тадбиркорлар кесимида прогноз кўрсаткичлари, захираларни шакллантириш ҳажми, етказиб бериш бўйича доимий мониторингни ташкил этиш;

асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар омборларидаги маҳсулотлар захираси тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва доимий мониторинг олиб бориш.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан **ҳар 10 кунда** электрон платформага киритиб борилади.

б) электрон платформада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари, уларнинг динамикаси бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятлари яратилсин.

Маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ киритилиши учун Давлат божхона қўмитаси раиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги электрон платформага тегишли ахборотларни ўз вақтида киритмаган ёки сифатсиз ахборот киритган вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларига нисбатан интизомий чоралар кўриш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

4. Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича белгиланган ҳажмларни молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида юридик шахс бўлмаган ҳолда ташкил этилган **озиқ-овқат хавфсизлиги жамғармалари** маблағлари;

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлиги ташкилотлари учун – Давлат бюджети маблағлари ва ушбу вазирликларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

тижорат банкларининг белгиланган тартибда тайёрлов ташкилотларига айланма маблағлар учун ажратган кредитлари;

Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 7 октябрдаги 627-сон қарорига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун йўналтириладиган маблағлар;

қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

5. Белгилансинки, 2022–2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми захираси учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш мақсадларига:

тижорат банклари белгиланган тартибда тайёрлов ташкилотларига айланма маблағлар учун кредитлар ажратади;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кредитлар бўйича фоиз тўловларининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошган қисмини белгиланган тартибда компенсация қилиб беради;

Молия вазирлиги кредит ажратиш учун ресурслар етарли бўлмаган тақдирда, талаб этиладиган маблағларни тижорат банкларининг сўровномаларига асосан вақтинча бўш турган манбалар ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасида **олти ойдан кўп бўлмаган муддатга** депозитга жойлаштирилишини таъминлайди.

6. Молия вазирлиги бюджетдан маблағ билан таъминланувчи ижтимоий соҳа ташкилотларига 2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумига қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини жамғариш учун зарур бўлган маблағларнинг бюджет ва бюджет муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

Бунда, ижтимоий соҳа ташкилотлари томонидан 4 та асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (картошка, пиёз, сабзи, гуруч) харид қилишда деҳқон бозорларида шаклланадиган ўртача нархлардан келиб чиққан ҳолда, тегишли ижтимоий соҳа муассасасининг харид комиссияси томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан тузилган шартномаларнинг тегишли ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилишига рухсат этилади ва ушбу шартномалар тузилган санадан бошлаб **3 кундан кечиктирмасдан** давлат харидларининг махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

“Ўзёғмойсаноат” уюшмаси билан биргаликда 2022 йилда 38 минг гектар такрорий майдонга экилган мойли экинлар ҳисобидан кутилаётган 64 минг тонна ҳосилни тўлиқ қайта ишлашни ташкил қилиш;

2022 йил 1 ноябрга қадар 2022 йил пахта ҳосили ҳисобидан техник чигит ишлаб чиқариш ва биржа савдоларида ойма-ой кўйиш графигини пахта тўқимачилик кластерлари кесимида ишлаб чиқиш;

ғалладан бўшаган 828 минг гектар майдонга экилган сабзавот, картошка, полиз, дуккакли дон ва озуқабоп экинлардан жами 11 млн тонна ялпи ҳосилни ўз муддатида тўлиқ йиғиб-териб олиш;

2022 йил ҳосили учун экилган 111 минг гектар (асосий майдонларга 40 минг гектар, такрорийга 71 минг гектар) майдонда жами 538 минг тонна шоли етиштириш (323 минг тонна гуруч ишлаб чиқариш) чораларини кўрсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2022 йил 1 ноябрга қадар 4 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (картошка, пиёз, сабзи, гуруч) захирага жамғариш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида контрактация шартномаларини тузиш ва белгиланган муддатларда жамғарилишини самарали ташкил қилиш чораларини кўриш;

қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини белгиланган муддатларда жамғариш ва маҳсулотларнинг ички бозорга ҳамда ижтимоий соҳа ташкилотлари эҳтиёжи учун мунтазам етказиб берилишини таъминласин.

9. Қуйидагилар:

2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захирага жамғариш ҳамда мақсадли ишлатилишини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби 8-иловага мувофиқ;

2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захира мақсадларига харид қилишни молиялаштириш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, қуйидагилар:

а) 2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захирага жамғариш ва мақсадли ишлатилишини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари ҳисобланади:

2022–2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ҳудудлар кесимида захирага жамғаришнинг белгиланган прогноз ҳажмлари бажарилишини мониторинг қилиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжига нисбатан кам етиштириладиган ҳудудлар, шу жумладан **олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлар** аҳолиси эҳтиёжи учун қиш-баҳор мавсумига маҳсулотлар захирасини яратишни ишлаб чиқариш ҳажми эҳтиёждан ортиқча бўлган ҳудудлар ҳисобидан амалга ошириш чораларини кўриш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан захира тадбирларига жалб этилган тайёрлов ташкилотлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ўртасида тўғридан-тўғри контрактация шартномалари тузиш ишларини самарали ташкил этиш;

захира мақсадлари учун омборхоналар ва совуткичли сиғимлар етишмаётган ҳудудларга бошқа ҳудудлардаги ортиқча сиғимларни бириктириш ҳисобига мавжуд сиғимлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш;

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ва уларнинг динамикасини таҳлил қилиш, захира мақсадлари учун маҳсулотларни харид қилиш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ муаммоларни тезкор бартараф этиш;

б) 2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захира мақсадларига харид қилишни молиялаштириш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари ҳисобланади:

қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захирага жамғариш тадбирларига ҳамда бориш қийин бўлган тоғли ҳудудлар ва чўл зоналаридаги аҳоли пунктларига олдиндан етказиб беришга жалб этилган тайёрлов ва савдо ташкилотларига тижорат банкларидан кредитлар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатиш;

ижтимоий соҳа ташкилотлари эҳтиёжи учун захирага жамғариладиган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишни муассасаларнинг бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминлаш.

11. Монополияга қарши курашиш қўмитаси бозорларда нархларнинг асоссиз ўсиши, келишиб қилинадиган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар ҳолатларини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш орқали **омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказиш** чораларини кўрсин.

12. Белгилаб қўйилсинки,

захирага жамғарилган маҳсулотларни аҳоли эҳтиёжларига сотишни ташкил этиш учун тайёрловчи ташкилотларга бозорлар ва савдо комплексларида алоҳида расталар ҳамда сотув анжомлари вақтинчалик фойдаланиш учун бепул ажратилади;

омборхоналар ва совуткичли сиғимлари мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектлари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси шакллантирилади.

13. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти 2022–2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг захира омборларига амалда жамғарилиши ҳамда республиканинг бориш қийин бўлган тоғли ҳудудлари ва олис чўл зоналаридаги аҳоли пунктларига олдиндан етказиб берилиши устидан назоратни таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида республика аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан таъминлашнинг прогноз параметрлари

минг тонна

Т/р	Худудлар	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турлари бўйича ресурслар ҳажми				2022-2023 йиллар қиш-баҳор фаслида аҳолининг эҳтиёжлари				Тақчиллик			
		картошка	пиёз	сабзи	гуруч	картошка	пиёз	сабзи	гуруч	картошка	пиёз	сабзи	гуруч
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	19,8	18,6	74,0	24,0	42,7	27,7	15,9	8,0	-23,0	-9,1	58,1	16,1
	<i>вилоятлар:</i>							0,0		0,0	0,0	0,0	0,0
2.	Андижон	97,9	58,3	120,6	29,1	71,3	46,2	26,6	13,3	26,6	12,1	94,0	15,8
3.	Бухоро		22,8	136,1	3,4	43,3	28,1	16,1	8,1	-43,3	-5,3	119,9	-4,7
4.	Жиззах	10,7	124,5	17,8		31,6	20,5	11,8	5,9	-20,9	104,0	6,1	-5,9
5.	Қашқадарё	29,1	12,5	117,8	0,0	74,7	48,4	27,8	13,9	-45,6	-35,9	89,9	-13,9
6.	Навобий	6,7	7,5	35,4	0,8	22,7	14,7	8,4	4,2	-16,0	-7,2	26,9	-3,4
7.	Наманган	85,2	21,9	80,8	14,4	64,2	41,6	23,9	12,0	21,0	-19,8	56,9	2,5
8.	Самарқанд	228,0	90,6	88,4	0,0	88,4	57,3	32,9	16,5	139,7	33,3	55,5	-16,5
9.	Сурхондарё			198,0	7,9	60,1	39,0	22,4	11,2	-60,1	-39,0	175,6	-3,3
10.	Сирдарё	10,2	65,9	38,6	18,9	19,3	12,5	7,2	3,6	-9,0	53,4	31,4	15,3
11.	Тошкент	117,1	131,4	56,8	5,9	64,4	41,8	24,0	12,0	52,7	89,6	32,7	-6,1
12.	Фарғона	66,3	72,6	259,0	24,7	85,4	55,4	31,8	15,9	-19,0	17,2	227,2	8,8
13.	Хоразм		38,5	131,1	88,3	42,2	27,3	15,7	7,9	-42,2	11,1	115,4	80,4
14.	Тошкент шаҳри			0,8		62,7	40,7	23,4	11,7	-62,7	-40,7	-22,5	-11,7
	Жами	671,1	665,1	1 355,1	217,4	773,0	501,1	288,0	143,9	-101,9	164,0	1 067,1	73,5

Республика минтақалари бўйича 2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан таъминлашда аниқланган тақчилликни қоплаш манбалари

минг тонна

Т/р	Худудлар	Жами тақчиллик	шу жумладан:				Тақчилликни тўлдириш манбалари:							
			картошка	пиёз	сабзи	гуруч	картошка		пиёз		сабзи		гуруч	
							худуд	ҳажм	худуд	ҳажм	худуд	ҳажм	худуд	ҳажм
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	32,1	23,0	9,1	-	-	Самарқанд вилояти	23	Жиззах вилояти	9,1	-	-	-	-
	<i>вилоятлар :</i>													
2.	Бухоро	53,3	43,3	5,3	-	4,7	Самарқанд вилояти	26,3	Жиззах вилояти	5,3	-	-	Қорақалпоғистон Республикаси	2,7
							Тошкент вилояти	7					Хоразм вилояти	2
							импорт	10						
3.	Жиззах	26,8	20,9	-	-	5,9	Тошкент вилояти	10,9	-	-	-	-	Сирдарё вилояти	5,9
							импорт	10						
4.	Қашқадарё	95,4	45,6	35,9	-	13,9	Самарқанд вилояти	35,6	Жиззах вилояти	35,9	-	-	Хоразм вилояти	13,9
							импорт	10						
5.	Навобий	26,6	16,0	7,2	-	3,4	Тошкент вилояти	6	Самарқанд вилояти	7,2	-	-	Қорақалпоғистон Республикаси	3,4
							импорт	10						
6.	Наманган	19,8	-	19,8	-	-	-	-	Андижон вилояти	7,8	-	-	-	-
							-	-	Фарғона вилояти	12	-	-	-	-

7.	Самарқанд	16,5	-	-	-	16,5	-	-	-	-	-	-	Хоразм вилояти	16,5
8.	Сурхондарё	102,4	60,1	39,0	-	3,3	Самарқанд вилояти	0	Самарқанд вилояти	9	-	-	Хоразм вилояти	3,3
							Тошкент вилояти	9	Жиззах вилояти	15				
							импорт	20	Сирдарё вилояти	15				
9.	Сирдарё	9,0	9,0	-	-	-	Тошкент вилояти	9	-	-	-	-	-	-
10.	Тошкент	6,1	-	-	-	6,1	-	-	-	-	-	-	Хоразм вилояти	6,1
11.	Фарғона	19,0	19,0	-	-	-	Андижон вилояти	19	-	-	-	-	-	-
12.	Хоразм	42,2	42,2	-	-	-	Самарқанд вилояти	22,2	-	-	-	-	-	-
							импорт	20						
13.	Тошкент ш.	137,6	62,7	40,7	22,5	11,7	Тошкент вилояти	10	Тошкент вилояти	40,7	Фарғона вилояти	12,5	Хоразм вилояти	9
							Наманган вилояти	20			Сурхондарё вилояти	10	Қорақалпоғистон Республикаси	2,7
							импорт	32,7						
Жами		586,8	341,8	157,0	22,5	65,5		310,7		157		22,5		65,5

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
2-илова

**2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида ички истеъмол бозори учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва
маблағларга бўлган талаб-эҳтиёжнинг прогноз ҳажмлари**

№	Худудлар номи	Жами маҳсулот	жумладан:				Зарур пул маблағлари млн. сўм
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	35 055	8 577	5 197	10 221	11 060	145 163
<i>вилоятлар:</i>							
2.	Андижон	61 946	26 052	13 836	15 398	6 660	216 214
3.	Бухоро	26 922	13 072	4 506	4 589	4 755	106 016
4.	Жиззах	22 632	13 381	1 769	5 010	2 472	85 271
5.	Қашқадарё	38 807	19 237	3 858	11 058	4 654	141 287
6.	Навоий	15 138	7 647	1 560	3 987	1 944	56 070
7.	Наманган	65 055	38 682	5 274	14 066	7 033	245 276
8.	Самарқанд	42 139	19 618	9 447	6 424	6 650	161 488
9.	Сурхондарё	36 303	22 000	3 115	8 014	3 174	134 034
10.	Сирдарё	14 186	8 412	1 171	3 159	1 444	53 002
11.	Тошкент	31 041	18 405	2 465	6 783	3 388	117 065
12.	Фарғона	69 241	25 001	12 399	22 701	9 140	240 384
13.	Хоразм	28 882	14 431	2 687	5 688	6 076	118 350
14.	Тошкент ш.	95 611	56 551	7 301	21 317	10 442	360 185
Жами:		582 958	291 066	74 585	138 415	78 892	2 179 801

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил " 12" октябрдаги 587-сон қарорига
2а-илова

2022–2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида ички истеъмол бозори учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жалб этган тайёрлов ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва маблағларга бўлган талаб-эҳтиёжнинг прогноз ҳажмлари

№	Худудлар номи	Ғамлаш ҳажми, тонна	жумладан:				Зарур пул маблағлари млн. сўм
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	34 000	8 000	5 000	10 000	11 000	141 500
	<i>вилоятлар:</i>						
2.	Андижон	60 000	25 000	13 500	15 000	6 500	209 250
3.	Бухоро	25 878	12 471	4 296	4 434	4 677	102 231
4.	Жиззах	22 056	13 076	1 662	4 885	2 433	83 260
5.	Қашқадарё	37 460	18 380	3 710	10 850	4 520	136 135
6.	Навоний	14 700	7 400	1 470	3 930	1 900	54 435
7.	Наманган	62 975	37 541	4 894	13 663	6 877	237 864
8.	Самарқанд	40 000	18 500	9 000	6 000	6 500	154 000
9.	Сурхондарё	35 161	21 362	2 918	7 770	3 111	130 060
10.	Сирдарё	13 626	8 100	1 090	3 039	1 397	50 982
11.	Тошкент	29 374	17 419	2 219	6 491	3 245	110 921
12.	Фарғона	66 259	23 246	11 962	22 147	8 904	229 511
13.	Хоразм	28 000	14 000	2 500	5 500	6 000	115 250
14.	Тошкент ш.	93 373	55 359	6 807	20 937	10 270	352 218
	Жами:	562 862	279 854	71 028	134 646	77 334	2 107 616

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
3-илова

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида ижтимоий соҳа муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва ушбу мақсадларга бюджет маблағлари талаб-эҳтиёжларининг прогноз ҳажмлари

№	Худудлар	Ижтимоий соҳа объектлари	шундан:			Зарур пул маблағлари млн. сўм
			мактабгача таълим муассасалари	соғлиқни сақлаш муассасалари	халқ таълими муассасалари	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1 055	1 007		48	3 663
<i>вилоятлар:</i>						
2.	Андижон	1 946	1 685		261	6 964
3.	Бухоро	1 044	836	113	95	3 785
4.	Жиззах	576	507	21	48	2 011
5.	Қашқадарё	1 347	697	450	200	5 152
6.	Навоий	438	395		43	1 635
7.	Наманган	2 080	1 735	81	264	7 412
8.	Самарқанд	2 139	2 000		139	7 488
9.	Сурхондарё	1 142	1 012	6	124	3 974
10.	Сирдарё	560	535	25		2 020
11.	Тошкент	1 667	1 587		80	6 144
12.	Фарғона	2 982	2 473	250	259	10 873
13.	Хоразм	882	882			3 100
14.	Тошкент ш.	2 238	2 179		59	7 967
Жами:		20 096	17 530	946	1 620	72 185

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
За-илова

2022-2023 йиллар қиш-бахор мавсумида Мактабгача таълими вазирлиги муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва ушбу мақсадларга бюджет маблағлари талаб-эҳтиёжларининг прогноз ҳажмлари

№	Худудлар номи	Жами маҳсулот	жумладан:				Зарур пул маблағлари млн. сўм
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1 007	557	187	208	55	3 497
	<i>вилоятлар:</i>						
2.	Андижон	1 685	936	288	331	130	6 036
3.	Бухоро	836	478	180	117	61	3 023
4.	Жиззах	507	266	96	112	33	1 759
5.	Қашқадарё	697	436	93	97	71	2 668
6.	Навой	395	223	82	49	41	1 482
7.	Наманган	1 735	946	325	335	129	6 170
8.	Самарқанд	2 000	1 036	423	400	141	6 989
9.	Сурхондарё	1 012	547	182	228	55	3 484
10.	Сирдарё	535	296	79	116	44	1 922
11.	Тошкент	1 587	935	234	280	138	5 851
12.	Фарғона	2 473	1 464	366	442	201	9 062
13.	Хоразм	882	431	187	188	76	3 100
14.	Тошкент ш.	2 179	1 154	484	372	169	7 753
	Жами:	17 530	9 705	3 206	3 275	1 344	62 793

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
3б-илова

2022-2023 йиллар киш-бахор мавсумида Халқ таълими вазирлиги муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва ушбу мақсадларга бюджет маблағлари талаб-эҳтиёжларининг прогноз ҳажмлари

№	Худудлар номи	Жами маҳсулот	жумладан:				Зарур пул маблағлари млн. сўм
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	48	20	10	13	5	166
<i>вилоятлар:</i>							
2.	Анджон	261	116	48	67	30	928
3.	Бухоро	95	58	14	14	9	358
4.	Жиззах	48	26	8	11	3	167
5.	Қашқадарё	200	100	33	40	27	752
6.	Навоий	43	24	8	8	3	153
7.	Наманган	264	147	48	50	19	941
8.	Самарқанд	139	82	24	24	9	499
9.	Сурхондарё	124	87	15	15	7	465
10.	Тошкент	80	51	12	12	5	293
11.	Фарғона	259	139	47	61	12	880
12.	Тошкент ш.	59	38	10	8	3	214
Жами:		1 620	888	277	323	132	5 815

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
Зв-илова

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ва ушбу мақсадларга бюджет маблағлари талаб-эҳтиёжларининг прогноз ҳажмлари

№	Худудлар номи	Жами маҳсулот	жумладан:				тонна
			Картошка	Пиёз	Сабзи	Гуруч	Зарур пул мблағлари млн. сўм
1.	Бухоро	113	65	16	24	8	404
2.	Жиззах	21	13	3	2	3	85
3.	Қашқадарё	450	321	22	71	36	1 733
4.	Наманган	81	48	7	18	8	302
5.	Сурхондарё	6	4		1	1	25
6.	Сирдарё	25	16	2	4	3	98
7.	Фарғона	250	152	24	51	23	931
Жами:		946	619	74	171	82	3 577

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
4-илова

2022–2023 йилларнинг қиш ва баҳор мавсумида республиканинг бориш қийин бўлган тоғли ҳудудлари ва олис чўл зоналарида яшайдиган аҳоли истеъмоли учун олдиндан етказиб бериладиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг прогноз ҳажмлари

Т/р	Ҳудудлар номи	Аҳоли пунктлари сони	шундан:		Аҳоли сони (минг нафар)	шундан:		Олдиндан етказиб бериладиган маҳсулот ҳажми (тонна)				
			тоғли ҳудуд	чўл зонаси		тоғли ҳудуд	чўл зонаси	ун	ўсимлик ёғи	шакар	гуруч	картошка
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	8		8	21,2		21,2	712	48,2	109	97	261
<i>вилоятлар:</i>												
2.	Бухоро вилояти	4		4	3		3	21	6,8	11	25	65
3.	Жиззах вилояти	11	11		13,5		13,5	393	30,7	49	43	237
4.	Қашқадарё вилояти	21	16	5	27,6	21,6	6	808	62,8	127	113	606
5.	Навоий вилояти	41	13	28	83,6	34,6	49	1 468	190,2	145	150	620
6.	Наманган вилояти	74	74		232,3	232,3		4 181	528,5	627	558	3 066
7.	Самарқанд вилояти	20	20		77,7	77,7		327	176,8	40	36	197
8.	Сурхондарё вилояти	52	52		123,1	123,1		4 668	280,1	564	503	2 698
9.	Тошкент вилояти	18	18		41,2	41,2		100	93,7	225	200	322
10.	Фарғона вилояти	5	5		55,7	55,7		150	126,7	50	24	141
Жами:		254	209	45	678,9	586,2	92,7	12 828	1 544,5	1 947	1 749	8 213

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
5-илова

2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун ғамлаш ишларига жалб этилган тайёрлов корхоналарининг омборхона ва совутиш сиғимлари билан таъминланганлиги параметрлари

Т/р	Худудлар	Сиғимлар сони	Сиғимларнинг умумий ҳажми, тонна	шу жумладан:		Ғамлаш ҳажми тонна	Сиғимлар билан таъминланганлик (+,-) тонна
				омборхоналар	Совутиш камералари		
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	388	56 070	30 625	25 445	35 055	21 015
<i>вилоятлар:</i>							
2.	Андижон вилояти	1 058	186 404	33 849	152 555	61 946	124 458
3.	Бухоро вилояти	444	106 073	54 238	51 835	26 922	79 151
4.	Жиззах вилояти	80	40 559	7 439	33 120	22 632	17 927
5.	Қашқадарё вилояти	351	173 973	86 183	87 790	38 807	135 166
6.	Навоний вилояти	101	32 657	9 245	23 412	15 138	17 519
7.	Наманган вилояти	740	89 407	26 731	62 676	65 055	24 352
8.	Самарқанд вилояти	241	203 905	43 475	160 430	42 139	161 766
9.	Сурхондарё вилояти	140	92 640	11 750	80 890	36 303	56 337
10.	Сирдарё вилояти	48	52 465	39 800	12 665	14 186	38 279
11.	Тошкент вилояти	329	209 600	62 980	146 620	31 041	178 559
12.	Фарғона вилояти	284	139 825		139 825	69 241	70 584
13.	Хоразм вилояти	169	76 645	23 340	53 305	28 882	47 763
14.	Тошкент шаҳри		100 000		100 000	95 611	4 389
Жами		4 373	1 560 222	429 654	1 130 568	582 958	977 264

Бошқа минтақалар ҳудудларида ишлатилмаётган сиғимларни жалб этиш ҳисобига 2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш учун сақлаш қувватлари тақчиллигини минтақаларда таъминлаш параметрлари

Т/р	Туманлар ва шаҳар	Сиғимлар ақчилиги, тонна	Етишмаётган сақлаш сиғимлари ўрнини тўлдириш
Қорақалпоғистон Республикаси			
1.	Беруний тумани	1480	Нукус шаҳридаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 4 933 тонна
2.	Кегейли тумани	150	
3.	Қораўзак тумани	1590	
4.	Чимбой тумани	205	Нукус туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 2 632 тонна
5.	Мўйноқ тумани	535	
6.	Тахтақўпир тумани	147	Элликқалъа туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 1996 тонна
	Жами:	4107	
Андижон вилояти			
1.	Улуғнор тумани	1930	Бўстон туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 12 088 тонна
2.	Марҳамат тумани	797	Асака туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 19 663 тонна
3.	Пахтаобод тумани	101	Андижон туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 11 568 тонна
	Жами:	2828	
Жиззах вилояти			
1.	Зарбдор тумани	1281	Ш.Рашидов туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 2 166 тонна
2.	Зафаробод тумани	501	
3.	Мирзачўл тумани	353	Дўстлик туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 3 219 тонна
4.	Пахтакор тумани	595	
5.	Фориш тумани	184	Ғаллаорол туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 4 632 тонна
6.	Жиззах шаҳри	2170	
	Жами:	5084	
Қашқадарё вилояти			
1.	Дехқонобод тумани	691	Ғузур туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 4 670 тонна
2.	Кўкдала тумани	216	Қамаши туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 7 783 тонна
3.	Муборак тумани	930	Косон туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 46 712 тонна
4.	Нишон тумани	1520	Қарши туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 3 663 тонна
	Жами:	3 357	
Навоий вилояти			
1.	Конимех тумани	184	Хатирчи туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 3 690 тонна
2.	Навбаҳор тумани	261	
3.	Ғазгон шаҳри	158	
4.	Зарафшон шаҳри	254	Учкудук туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 2 820 тонна
	Жами:	603	
Наманган вилояти			
1.	Мингбулоқ тумани	819	Тўрақўрғон туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 9 965 тонна
2.	Норин тумани	483	Наманган туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 1 491 тонна
3.	Учқўрғон тумани	1417	Уйчи туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 2 583 тонна
4.	Давлатобод тумани	6390	
5.	Янги Наманган тумани	6226	Наманган шаҳридаги ортиқча сиғимлар ҳисобига 11 466 тонна ва Янгиқўрғон туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 11 254 тонна
	Жами:	15 335	
Самарқанд вилояти			
1.	Нарпай тумани	532	Каттақўрғон туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 3 012 тонна
2.	Нуробод тумани	716	Самарқанд туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 48 694 тонна
3.	Оқдарё тумани	53	Пастдарғом туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 2 337 тонна
	Жами:	1 301	

Сурхондарё вилояти			
1.	Кумқўрғон тумани	250	Жарқўрғон туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 2 568 тонна
Жами:		250	
Сирдарё вилояти			
1.	Сардоба тумани	35	Мирзаобод туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 3 230 тонна
2.	Ховос тумани	360	
3.	Ширин ш.	825	
Жами:		1 220	
Тошкент вилояти			
1.	Пискент тумани	635	Ўртачирчиқ туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 17 230 тонна
2.	Бекобод ш.	1151	Бекобод туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 1 155 тонна
3.	Нурафшон ш.	1 086	Зангиота туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 24 480 тонна
Жами:		14 565	
Фарғона вилояти			
1.	Марғилон ш.	2 320	Фарғона туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 8 150 тонна
2.	Қўқон ш.	3 500	Олтиариқ туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 50 250 тонна
3.	Бағдод тумани	3 130	
8.	Сўх тумани	5 090	
7.	Ёзёвон тумани	400	Тошлоқ туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 4 390 тонна
4.	Бешариқ тумани	1 220	Учқўприк туманидаги ортиқча сиғимлар ҳисобига таъминлаш 6 940 тонна
5.	Бувайда тумани	2 530	
6.	Данғара тумани	450	
9.	Фурқат тумани	1 310	
10.	Ўзбекистон тумани	190	
Жами:		20 140	
Республика бўйича:		68 790	

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
6-илова

**2022-2023 йиллар қиш-баҳор мавсумига ғамлаб қўйилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ички истеъмол бозорида
сотишнинг тармоқ жадвали**

тонна

Т/р	Худудлар	Маҳсулот ҳажми	шу жумладан 2023 йил ойлар бўйича:				
			январь	февраль	март	апрель	май
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	34 000	3 400	5 100	8 500	10 200	6 800
	<i>вилоятлар:</i>						
2.	Андижон вилояти	60 000	6 000	9 001	15 001	17 999	11 999
3.	Бухоро вилояти	25 878	2 588	3 882	6 470	7 763	5 175
4.	Жиззах вилояти	22 056	2 205	3 309	5 514	6 617	4 411
5.	Қашқадарё вилояти	37 460	3 746	5 620	9 366	11 238	7 490
6.	Навоий вилояти	14 700	1 470	2 207	3 675	4 409	2 939
7.	Наманган вилояти	62 975	6 299	9 447	15 744	18 892	12 593
8.	Самарқанд вилояти	40 000	4 000	6 000	10 000	11 999	8 001
9.	Сурхондарё вилояти	35 161	3 516	5 275	8 792	10 548	7 030
10.	Сирдарё вилояти	13 626	1 362	2 045	3 408	4 088	2 723
11.	Тошкент вилояти	29 374	2 937	4 407	7 344	8 812	5 874
12.	Фарғона вилояти	66 259	6 625	9 940	16 566	19 839	13 289
13.	Хоразм вилояти	28 000	2 800	4 200	6 999	8 399	5 602
14.	Тошкент шаҳри	93 373	9 338	14 007	23 344	28 012	18 672
	Жами	562 862	56 286	84 440	140 723	168 815	112 598

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил " 12" октябрдаги 587 -сон қарорига
ба-илова

2023 йил қиш-баҳор мавсумида картошкани ички бозорда сотишнинг тармоқ жадвали

тонна

Т/р	Худудлар	Маҳсулот ҳажми	шу жумладан 2023 йил ойлар бўйича:				
			январь	февраль	март	апрель	май
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	8 000	800	1 200	2 000	2 400	1 600
	<i>вилоятлар:</i>						
2.	Андижон вилояти	25 000	2 500	3 751	6 250	7 500	4 999
3.	Бухоро вилояти	12 471	1 247	1 871	3 118	3 741	2 494
4.	Жиззах вилояти	13 076	1 307	1 962	3 269	3 922	2 616
5.	Қашқадарё вилояти	18 380	1 838	2 757	4 595	5 514	3 676
6.	Навоий вилояти	7 400	740	1 111	1 849	2 219	1 481
7.	Наманган вилояти	37 541	3 755	5 632	9 385	11 262	7 507
8.	Самарқанд вилояти	18 500	1 850	2 775	4 624	5 549	3 702
9.	Сурхондарё вилояти	21 362	2 136	3 204	5 341	6 409	4 272
10.	Сирдарё вилояти	8 100	809	1 215	2 026	2 430	1 620
11.	Тошкент вилояти	17 419	1 741	2 613	4 355	5 225	3 485
12.	Фарғона вилояти	23 246	2 324	3 487	5 812	6 936	4 687
13.	Хоразм вилояти	14 000	1 400	2 100	3 499	4 199	2 802
14.	Тошкент шаҳри	55 359	5 536	8 304	13 840	16 608	11 071
	Жами	279 854	27 983	41 982	69 963	83 914	56 012

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
66-илова

2023 йил қиш-баҳор мавсумида пиёзни ички бозорда сотишнинг тармоқ жадвали

тонна

Т/р	Худудлар	Маҳсулот ҳажми	шу жумладан 2023 йил ойлар бўйича:				
			январь	февраль	март	апрель	май
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	5 000	500	750	1 250	1 500	1 000
<i>вилоятлар:</i>							
2.	Андижон вилояти	13 500	1 350	2 025	3 376	4 049	2 700
3.	Бухоро вилояти	4 296	430	644	1 074	1 289	859
4.	Жиззах вилояти	1 662	166	249	416	499	332
5.	Қашқадарё вилояти	3 710	371	557	928	1 113	741
6.	Навоий вилояти	1 470	147	221	368	441	293
7.	Наманган вилояти	4 894	490	734	1 224	1 468	978
8.	Самарқанд вилояти	9 000	900	1 350	2 251	2 700	1 799
9.	Сурхондарё вилояти	2 918	292	438	730	875	583
10.	Сирдарё вилояти	1 090	109	164	273	327	217
11.	Тошкент вилояти	2 219	222	333	555	666	443
12.	Фарғона вилояти	11 962	1 196	1 795	2 991	3 588	2 392
13.	Хоразм вилояти	2 500	250	375	625	750	500
14.	Тошкент шаҳри	6 807	681	1 021	1 702	2 042	1 361
Жами		71 028	7 104	10 656	17 763	21 307	14 198

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587 -сон қарорига
бв-илова

2023 йил қиш-баҳор мавсумида сабзини ички бозорда сотишнинг тармоқ жадвали

тонна

Т/р	Худудлар	Маҳсулот ҳажми	шу жумладан 2023 йил ойлар бўйича:				
			январь	февраль	март	апрель	май
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	10 000	1 000	1 500	2 500	3 000	2 000
	<i>вилоятлар:</i>						
2.	Анджон вилояти	15 000	1 500	2 250	3 750	4 500	3 000
3.	Бухоро вилояти	4 434	443	665	1 109	1 330	887
4.	Жиззах вилояти	4 885	489	733	1 221	1 466	976
5.	Қашқадарё вилояти	10 850	1 085	1 628	2 713	3 255	2 169
6.	Навоий вилояти	3 930	393	590	983	1 179	785
7.	Наманган вилояти	13 663	1 366	2 049	3 416	4 099	2 733
8.	Самарқанд вилояти	6 000	600	900	1 500	1 800	1 200
9.	Сурхондарё вилояти	7 770	777	1 166	1 943	2 331	1 553
10.	Сирдарё вилояти	3 039	304	456	760	912	607
11.	Тошкент вилояти	6 491	649	974	1 623	1 947	1 298
12.	Фарғона вилояти	22 147	2 215	3 322	5 537	6 644	4 429
13.	Хоразм вилояти	5 500	550	825	1 375	1 650	1 100
14.	Тошкент шаҳри	20 937	2 094	3 141	5 234	6 281	4 187
	Жами	134 646	13 465	20 199	33 664	40 394	26 924

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587 -сон қарорига
бг-илова

2023 йил қиш-баҳор мавсумида гуручни ички бозорда сотишнинг тармоқ жадвали

тонна

Т/р	Худудлар	Маҳсулот ҳажми	шу жумладан 2023 йил ойлар бўйича:				
			январь	февраль	март	апрель	май
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	11 000	1 100	1 650	2 750	3 300	2 200
<i>вилоятлар:</i>							
2.	Андижон вилояти	6 500	650	975	1 625	1 950	1 300
3.	Бухоро вилояти	4 677	468	702	1 169	1 403	935
4.	Жиззах вилояти	2 433	243	365	608	730	487
5.	Қашқадарё вилояти	4 520	452	678	1 130	1 356	904
6.	Навоий вилояти	1 900	190	285	475	570	380
7.	Наманган вилояти	6 877	688	1 032	1 719	2 063	1 375
8.	Самарқанд вилояти	6 500	650	975	1 625	1 950	1 300
9.	Сурхондарё вилояти	3 111	311	467	778	933	622
10.	Сирдарё вилояти	1 397	140	210	349	419	279
11.	Тошкент вилояти	3 245	325	487	811	974	648
12.	Фарғона вилояти	8 904	890	1 336	2 226	2 671	1 781
13.	Хоразм вилояти	6 000	600	900	1 500	1 800	1 200
14.	Тошкент шаҳри	10 270	1 027	1 541	2 568	3 081	2 053
Жами		77 334	7 734	11 603	19 333	23 200	15 464

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "12" октябрдаги 587-сон қарорига
7-илова

2022–2023 йил қиш ва баҳор мавсумига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳиргага жамғаришнинг режа жадвали

тонна

Т/р	Маҳсулотлар номи	Жами заҳира ҳажми	жумладан:							
			Октябр ойи жами	шу жумладан:		Ноябр ойи жами	шу жумладан:			Декабр ойининг 1 дан 10 гача жами
				15 дан 20 гача	21 дан 31 гача		1 дан 10 гача	11 дан 20 гача	21 дан 30 гача	
1.	Картошка	291 066	43 662		43 662	189 194	66 220	64 326	58 648	58 210
2.	Пиёз	74 585	44 751	23 269	21 482	22 376	7 833	7 608	6 935	7 458
3.	Сабзи	138 415	13 842	7 197	6 645	96 892	33 912	32 943	30 037	27 681
4.	Гуруч	78 892	7 888	4 102	3 786	47 334	16 569	16 095	14 670	23 670
Жами:		582 958	110 143	34 568	75 575	355 796	124 534	120 972	110 290	117 019

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “12” октябрдаги 587 -сон қарорига
8-илова

**2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги
қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захирага жамғариш
хамда мақсадли ишлатилишини мувофиқлаштириш бўйича
республика ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

1. Ш.М.Ғаниев – Бош вазир ўринбосари, *республика ишчи гуруҳи раҳбари*
2. А.Б.Воитов – қишлоқ хўжалиги вазири
3. Т.А.Ишметов – молия вазири
4. Б.А.Мусаев – соғлиқни сақлаш вазири
5. Б.О.Саидов – халқ таълими вазири
6. А.В.Шин – мактабгача таълим вазири
7. Д.Ф.Рахимов – Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи
8. Ш.Ш.Шарахметов – Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси
9. И.И.Норқулов – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари
10. *лавозими бўйича* – Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари
11. *лавозими бўйича* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари
12. И.М.Қобилов – Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бош мутахассиси, *республика ишчи гуруҳи котиби*

**2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги
қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захира мақсадларига
харид қилишни молиялаштириш масалаларини мувофиқлаштириш
бўйича республика ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

1. Ж.А.Қўчқоров – Бош вазир ўринбосари, *республика ишчи гуруҳи раҳбари*
2. Т.А.Ишметов – молия вазири
3. Б.А.Мусаев – соғлиқни сақлаш вазири
4. Б.О.Саидов – халқ таълими вазири
5. А.В.Шин – мактабгача таълим вазири
6. М.Б.Нурмуратов – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси
7. *лавозим бўйича* – тижорат банклари раҳбарлари
8. *лавозим бўйича* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари
9. И.М.Қобилов – Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бош мутахассиси, *республика ишчи гуруҳи котиби*

